

ИНТЕРФЕРЕНТ СЕМАНТИК КАЛЬКАЛАШ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Зокирова Соҳиба Мухторалиевна
Филология фанлари бўйича, PhD,
Фарғона давлат университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7302879>

Семантик жиҳатдан ўхшаш бўлган қисман конгруэнт сўзлар (тиллараро квазисинонимлари ва паронимларнинг бир қисми) интерферент семантик калькалашга олиб келиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, конгруэнт сўзлар таъсири остида тиллараро семантик изланишнинг тасдиғини топиш жуда қийин вазифа бўлиб чиқди. Шунинг учун баъзи ҳолатларда билингвизм шароитида семантик ўзгаришларнинг мумкин бўлган схемаларини кўрсатиш учун, биз тахминий моделни тақдим этамиз.

Тожик-форс луғавий ўзлашмаларнинг айримлари ўзбек тили ихтиёрига ўтгач, тожик тилида бўлмаган бошқа маънолар касб этган, айримларнинг эса маъно кўламида қисқариш содир бўлган¹. Масалан, хунук сўзи тожик тилида 'совуқ', 'салқин', 'ёқимсиз' маъноларида ишлатилган. У ўзбек тилида 'чиройи йўқ, кўримсиз, нохуш' маъноларда қўлланади. *Думбул* сўзининг маъно кўламида ҳам бу хусусиятни кўриш мумкин. У сўз тожик тилида 'пишган, тайёр', 'тоза', 'пиширилган тухум', 'меванинг яхши пишгани' маъноларини англатган. *Думбул* сўзи ўзбек тилида 'яхши пишмаган дон, етилиб пишмаган мева', 'ақли кам одам' маъноларида қўлланади. Мисоллар: *Ҳали думбул шафтолиларнинг шохлари ерда.* (Ойбек.) *Юсуфбек ҳожи чала думбул табиатли хотиннинг феълени яхши билгани учун, келин ва қудаларнинг келишларидан хабар беришини лозим топди.* (А.Қодирий.)

Қуйидаги мисолларда тилларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш этимологик жиҳатдан имконсиз бўлса-да, қариндош тиллар сўзларининг интерференция когнатлари таъсири остида ривожланишини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Қуйида семантик калькалаш натижасида учраши мумкин бўлган лексик структурадаги ўзгаришларнинг айрим турларини кўриб чиқамиз.

1. Сўзларнинг турли семантика ёки семантик ҳажмдаги ўзаро таъсири натижасида янги маъно қўшилиши (лексик-семантик вариантлар сонининг кўпайиши) ёки лексик-семантик вариантлар сонининг

¹ Зокиров М. Т., Алимова З. В.. Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари. Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун қўлланма. – Фарғона, 2021. – Б. 59-60

камайиши натижасида (йўқолган лексик-семантик вариантлар эскирган, архаик маъноларга эга) лексик маънонинг ўзгаришини кўришимиз мумкин. Тожик тилида бир неча маъноларда ишлатилувчи айрим сўзлар ўзбек тилига ўша маънолардан бирини сақлаган ҳолда ўзлашган. *Партов, мағиз, дармон, пасткаш* сингари тожик луғавий ўзлашмалар ана шундай характерга эга².

2. Лексик маънонинг кенгайиши (бир турдаги объектларни атаган сўзнинг маълум бир жинсга хос барча турларга ном сифатида ўзгариши) ёки торайиши (маълум бир жинс объектларини атайдиган сўз фақат ушбу жинс турларидан бирига ном сифатида берилганда). Масалан, ўзбекча тилида *ичмоқ* – 'сув ичмоқ'; турк тилида *іçмек* – 'сув ичмоқ', 'сигарет чекмоқ'га³ мос келади. Конгруэнт сўзлар таъсири остида маълум шароитларда турк тилидаги сўз маъносининг кенгайиши (сўзлар ва умумий тушунчанинг белгисига айланади) ёки аксинча, ўзбек тилидаги сўзнинг маъноси торайиши мумкин. Тиллардаги умумий сўзлар ҳам билингвизм шароитида бир-бирига интерференцион таъсир кўрсатиши мумкин.

3. Лексик-семантик варианлар таркибини сўзнинг семантик структурасининг ўзгариши натижасида юзага келган лексик маъно ўзгариши, аввало, конгруэнт сўз таъсири остида маълум бир маънонинг ўз аҳамиятини йўқотиши ёки иккинчи даражали бўлиб қолиши билан изоҳланади. Масалан, денотатив маъно коннотатив маънога ёки коннотатив маъно денотатив маънога ўтиши натижасида лексик маънонинг ўзгариши: рус тилидаги *булка* – 'оқ буғдой унининг нони' (СРЯ-53); болгар тилидаги *булка* – 'келин'; 'ёш гўзал аёл', тарихан 'қайнона'⁴. Ушбу сўзлар ғарбий тилларнинг биридан олинган (француз тилида *boule* ва италян тилида *bull* – 'юмалоқ нон'). Болгар тилидаги сўзнинг маъноси аёл кишига нисбаттан эҳтимол, метафора сифатида пайдо бўлган бўлиши мумкин, аммо вақт ўтиши билан бу тилда тўғридан-тўғри, асосий маънога эга бўлган.

4. Парасемантик конгруэнтлар таъсири остида фойдаланиш частотаси, функционал-стилистик ва экспрессив-эмоционал бўёқдорлиги ёки коннотацияси ўзгариши натижасида лексик маънонинг ўзгаришини ўзбек тилидаги *авом* сўзи мисолида кўришимиз мумкин. Араб тилида *عوام*

² Зокиров М. Т., Алимова З. В.. Ўзбек ва тожик лисоний алоқаси асослари. Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун қўлланма. – Фарғона, 2021. – 148 б.

³ <https://sozluk.gov.tr/>

⁴ <http://www.onlinerechnik.com/duma/булка>

авом сўзи 'амма (Ан-На'им, 562) феълидан келиб чиққан бўлиб, бу феълдан ҳосил бўлган сўзларда 'умумийлик', 'оммавийлик', 'давлатга оид', 'қариндошлик' семалари бўртиб туради. Ўзбек тилида шу доирадаги умум, умумий, омма, авом, оммавий, оми, амма, амома каби сўзлар кенг ишлатилади. Бироқ сўзларда араб тилидагидан фарқли равишда 'давлатга оид'лик эмас, 'ижтимоийлик' семаси етакчи бўлади. *Авом, оми* каби сўзлар баъзан салбий бўёқ билан ишлатилади. *Авом* – ўтмишда 'оддий халқ', 'қора халқ', 'ўқимаган, тушунмаган, хат-саводсиз киши(лар)' (ЎТИЛ-5.1.32) маъносида ишлатилган. Бу ҳолат араб тилида ҳам кузатилади. Мумтоз шеърятимизда *халқ, халойиқ, мардум, авом* сўзлари салбий бўёққа эга бўлганлиги кўринади⁵.

Тадқиқот натижалари бугунги кунда тиллардаги конгруэнт сўзлар билан боғлиқ бўлган сўз ҳосил бўлишининг энг самарали усули интерферент семантик ўзлаштириш (калькалаш), яъни семантик жиҳатдан қисман ўхшаш бўлган омосемантик ва парасемантик конгруэнтлар ва қисман конгруэнтлар кўпинча интерференцияларнинг қатламланишига сабаб бўлишини айтишга имкон беради.

⁵ Қўзиёв У. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси – Фарғона, 2019. – Б. 62.